ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

5.Magda, I. I. Operativ xirurgiya. / I. I. Magda hám basqalar. - M.; Kolos, 1990.- 333 b.

6.Sereda, S. v. Sovremennie issledovaniya v xirurgiya ham onkologiya haywanlar / S. V. Sereda i dr. - M: Assotsiatsiya praktikuyushix veterinarnix vrachey, 2009. - 44 bet.

7.Schebits, H. Íyt hám pıshıqlardıń operativ xirurgiyasi. / H. Schebits, v. Brass. - M.: Akvarium, 2001.- 512 p.

8.Nachatov, N. Ya. Operativ xirurgiya boyınsha seminar. / N. Ya. Nachatov, O. R. Sidbko; Omsk mámleket agrar universiteti, veterinariya meditsina institutı.- Omsk: OmGau, 2007.- 156 p.

9.Timofeev, S. v. Íytlarda as qazan hám talaq xirurgligi. / S. v. Timofeev hám basqalar.- M.: Zoomedlit, 1999.- 156 b.

10. Dauletbaev, N. P., & Tashtemirov, R. M. (2023). Hár túrli tábiyiy sharayattaǵi túyetawiqlar postnatal ontogenezinde ayaq suyekleriniń morfometrik qásiyetleri. Universal journal of medical and natural sciences, 1(6), 48-52.

11. Kamalova, A. I. (2024). The significance of echinococcosis in veterinary medicine and human life. Creative Commons Attribution 4.0 International License., 1(5), 90-95.

ОҚ СИЧҚОНЛАРДА СУНИЙ РАВИШДА ЧАҚИРИЛГАН ЯЛИҒЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ФАРМАКОТЕРАПИЯСИ

Эрназаров Д.А, Матекова.Т.А.
Самарқанда давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада оқ сичконларда сунъий равишда чакирилган яллиғланиш жараёнларини даволашда алое экстракти ва қон чўпи (чистотел) малхамларини қўллаш орқали препаратларнинг яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланиб, уларни патологик жараёнларни даволашга қўллаш бўйича тажриба натижалари баён этилган.

Калит сўзлар. яллиғланиш ,қон чўпи (чистотел) (chelidoii herba), алое экстракти, депилация, ксилол , дерматит,оқ сичқон, гиперемия ,куйиш, оғриқ, маҳаллий ҳарорат.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 8-февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида чорвачиликни жадал ривожлантириш, улардан сифатли маҳсулот олишни кўпайтириш ва шу орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар белгиланган [1].

Республикамизнинг қорамолчилик ҳўжаликларига четдан келтирилган юқори маҳсулдор сигирлар орасида тарқалган жарроҳлик касалликларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам ўтказилиб борилаётганлигига қарамасдан, уларда бармокларарo дерматит жараёнларини

билан мавсумий касалланиш даражаси юкорилигича колмоқда. Маҳсулдор сигирларда туёқлар патологиялари оқибатида маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг кескин пасайиши ҳамда ветеринария харажатларининг ортишидан чорвачиликка ихтисослашган корамолчилик хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Шу боисдан маҳсулдор қорамолларда бармоклараро дерматит жараёнларини республикамизнинг ҳудудий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда эртачи ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Қорамолларда юқумли бармок дерматитни даволаш ва олдини олиш замонавий чорвачиликнинг долзарб муаммодир. Бармоқнинг юқумли касалликларининг асосий улуши Россия Федерациясида кенг тарқалган некробактериоз ва қўйларнинг оёқ чириши хисобланади. Döpfer D. [6] маълумотларига кўра, юқумли бармок дерматит дунёдаги энг кенг тарқалган касалликлардан биридир. Бу касаллик Россия Федерациясида кенг тарқалган, чунки ўтган йилларда импорт билан киритилган чорва моллари ва уларнинг сони сезиларли даражада ошди.

Юқумли касаллик бармок дерматити синдроми 1974 йилда пайдо бўлганидан бери, бутун дунё бўйлаб олимлар ушбу касалликнинг олдини олиш ва даволаш учун самарали воситаларни яратишга ҳаракат килиб келмокда [7]. Бу вақт ичида кўплаб усуллар таклиф қилинди гуруҳли ва индивидуал терапия, уларнинг ҳеч бири юқумли бармок дерматит синдромининг олдини олиш ва даволаш учун умумий қабул қилинган энг самарали восита деб топилмади. Cook N. e. a. нинг маълумотларига кўра, юқумли бармок дерматитини гуруҳли даволаш учун энг кенг тарқалган восита мис сулфат ва формалин эритмаларидир [5]. Аммо, шу билан бирга, Козий В.И. (2005) бармок дерматитини даволашда ушбу препаратнинг самарадорлиги пастлигини ва кансероген хусусиятлари туфайли кўпгина мамлакатларда формалдегид эритмасидан фойдаланиш тақиқланади деб таъкидлайди [4].

Жуленкога кўра Э. А. (2000) 10% консентрацияли рух оксидидан малҳамлар сифатида фойдаланиш ярага даволовчи тўқималарнинг тикланишига тез ёрдамберади[2].

Кон чўпи (чистотел) (Chelidoii herba) кўкнори оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликбулиб, ундан доривор хом ашё сифатида ўсимликнинг ер усти қисмидан фойдаланилади. Куюк сутли шарбатида тахминан 1-4% изохинолин алкалоидлари мавжуд (кон чупи ўтида ва қуруқ илдизларида алкалоидлар миқдори анча паст) - хелидонин, хелеритрин, α-, β- и γ-гомохелидонин, сангвинарин, хелидоксантин, оксихелидонин, хелирубин, протопин, коптизин, криптонин, спартеин, стилонин, дефиллин, хелилутин ва бошқалар, шунингдек, юқори алифатик спирт хелидониол, флавоноидлар, холин, тирамин, сапонинлар, органик кислоталар (лимонли, хелидоник, олмали, янтарли), эфир ва ёғли ёғлар , фенолкарбонли кислоталар, витамин С, каротин, танинлар ва қатронлар хам мавжуд.

Кон чупи антимикробли, спазмолитик, усмага карши, сийдик ва ут хайдовчи, огриксизлантирувчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. (https://compendium.com.ua/akt/67/73/chelidonium-majus/) [8].

Сигирлар туёғининг йирингли-некротик ярасини комплекс даволаш натижасида қонда лейкоцитлар миқдорини пасайиши, эритроцилар сони ва гемоглобин, шунингдек қон зардобидаги умумий оқсил ва гамма-глобулинлар концентрациясини маҳаллий даволашдагига нисбатан ошиши кузатилган [3]. Муаллиф томонидан лаборатория ҳайвонларида экспериментал тери-мускул жароҳати чақирилиб, уларга 50 ва 100 % ли чистотел шарбати қўлланилганида, Staph. Aures, Proteus vulgaris, Esherichia coli, Str. Epidermidis микроорганизмларига қарши таъсир кўрсатиши, чистотелнинг 10 % ли малҳами эса тери-мускул жароҳатининг назорат гуруҳидагига қараганда 3 сутка олдин битишини таъминлаганлиги қайд этилган.

Тадқиқот мақсади. Кон чўпи (чистотел) ва алое экстрактининг ок сичконларда сунъий хосил килинган тери яллигланишл жараенлари кечишига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотлар жойи, обекти ва услублари. Тадқиқотларнинг экспериментал қисми Қорақалпоғистон Республикаси Самарқанд ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида ўтказилди. Тажрибаларда яллиғланиш жараёнига қон чўпининг (чистотел) 10% ли малхами ва алоэ экстракти 10% ли малхамининг таъсир этишига аниклик киритиш учун, тана вазни 22-26 г бўлган 18 бош лаборатория ҳайвонларидан ҳар бирида 3 бошдан оқ сичқонлар булган 6 та гуруҳ тузилди: шундан 4 таси тажриба ва 2 таси назорат гуруҳи. Бел соҳасида депилациядан кейин биринчи ва иккинчи гуруҳ оқ сичқонларига уч томчи ксилол томизилди, дерматит чакириш максадида шиша таёқча билан икки дақиқа давомида терига суртилди. Худди шу куни, бир соатдан кейин ва кейинги кунларда ксилол билан ишлов берилган 10 мм диаметрли тери майдонига биринчи гуруҳга қон чўпининг (чистотел) 10% ли малхами ва иккинчи гуруҳга эса алоэ экстракти 10% ли малхами қўлланилди.

Учинчи ва туртинчи тажриба гуруҳ оқ сичқонларига эса , бел сохасига депилациядан кейин 50-60 ^{0}С гача қиздирилган металл таъсирида терида диаметри 10 мм бўлган куйиш чакирилди. Худди шу куни, бир соатдан кейин ва кейинги кунларда терининг таъсирланган жойига учинчи гуруҳга қон чўпининг (чистотел) 10% ли малхами ва туртинчи гуруҳга эса алоэ экстракти 10% ли малхами қўлланилди.

Назорат вазифасини бажарувчи 5 гуруҳ оқ сичқонларида бел соҳасига уч томчи ксилол томизилди, дерматит чакириш максадида шиша таёқча билан икки дақиқа давомида терига суртилди. Худди шундай 6 гуруҳ назорат оқ сичқонларига хам бел сохасига депилациядан кейин 50-60 ^{0}С гача қиздирилган металл таъсирида терида диаметри 10 мм бўлган куйиш чакирилди. Ушбу 5 - ва 6 чи назорат гуруҳлардаги оқ сичқонларда даволаш муолажалари бажарилмади.

Барча тажриба гуруҳидаги сичконлар бир хил шароитда сақланди ва бир хил озиқлантирилди.

Олинган натижалар таҳлили. Биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳидаги оқ сичқонларда, биринчи кун давомида шишсиз енгил гиперемия қайд этилди; тажрибанинг иккинчи ва кейинги кунларида кимёвий моддалар таъсирида бўлган терида яллиғланиш белгилари кайд этилмади. Шу билан бирга, 5 гуруҳ оқ сичқонларида эса биринчи 24 соат давомида терига кимёвий таъсир қилиш жойларида гиперемия ва шиш аниқланди, характерли клиник белгилар 6-10 соат ўтгач аниқланди . Иккинчи кунида терининг шикастданган жойида яллиғланишнинг аниқ характерли клиник белгилари (гиперемия, шиш, маҳаллий ҳароратнинг ошиши, оғриқ) кузатилди.

Учинчи ва тўртинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида, биринчи кун давомида куйиш таъсиридан кейин терининг гиперемияси ва шикастданган жойида ҳудудда енгил шиш аниқланди. Иккинчи куни яллиғланиш белгилари йўқолди, 8-9 кунларига келиб куйиш белгилари хам кузатилмади.

Шунга ухшаш 6 гуруҳ ҳайвонларида хам 2-3 соат ўтгач, куйиш таъсирида гиперемия, оғриқ, маҳаллий ҳароратнинг ошиши ва терида шиш аниқланди. Кейинги 12 соат ичида яллиғланиш жараёнлари ривожланиб, иккита ҳайвонда сероз пуфакчалар пайдо бўлди. Куйишдан бир кун ўтгач, кучли шиш пайдо бўлди. Кейинчалик вақт ўтиши билан экссудатив жараёнлар пасайди, 3-5-кунига келиб куйган жойларда некротик учоклар кузатилди, 12 кунларда некротик учоклардан кора кутир кучиб туша бошлади.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, қўлланилган препаратлар яллиғланишга қарши таъсирга эга ва уларни патологик жараёнларни даволашга қўллаш имконини беради .

Хулосалар. Қон чўпининг (чистотел) 10% ли малхами ва алоэ экстракти 10% ли малхами сичқонларга сунъий равишда чақирилган яллиғланиш жараёнларини даволашда қўлланилганда яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланди. Сичқонларга сунъий равишда чақирилган яллиғланиш жараёнларини даволашда қон чўпининг (чистотел) 10% ли малхами ва алоэ экстракти 10% ли малхами қўллаш орқали препаратларнинг яллиғланишга қарши таъсирга эга эканлиги аниқланиб, уларни патологик жараёнларни даволашга қўллаш имконини беради .

Фойдаланилган адабиётлар

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 8-fevral PK-12 0 raqamli “O‘zbekiston Respublikasida chorvachilik sohasi va uning tarmoqlarini rivojlantirish bo‘yicha 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan dasturni tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmoni.

2.Жуленко В. Н., Волкова О. И., Уша Б. В. Общая и клиническая ветеринарная рецептура: справочник / Под ред. Проф. В. Н.Жуленко – 2-е изд. – М.: Колос, 2000.–С.161.

3.Стельмухов М.В. Этиопатогенетическая терапия гнойно-некротических язв копытец у коров. // Дисс… канд.вет.наук. Владикавказ, 2008. 171 с.

4.Козій В.І. Порівняльна ефективність різних методів лікування корів хворих на папіломатозний пальцевий дерматит / В.І.Козій // Наук. Вісник Львів. нац. акад. вет. медициниім. С.З. Гжицького. - 2005. - Т. 7 (№2), ч.1. - С. 64-70.

5. Cook N.B. Observations on the design and use of footbaths for the control of infectious hoof disease in dairy cattle / N.B. Cook, J. Rieman, A. Gomez, K. Burgi //TheVeterinaryJournal.–2012.–V.193.–P.669–673.

6.Döpfer D. The dynamics of digital dermatitis in populations of dairy cattle: Model-based estimates of transition rates and implications for control / D. Döpfer, M. Holzhauer, M. van Boven // The Veterinary Journal. – 2012. – V. 193. – P. 648– 653.

7. Fiedler A. Ein Pflaster gegen Mortellaro / A. Fiedler // Elite Magazin für Milcherzeuger SONDERDRUCK aus der Ausgabe 06/2012.

8. (https://compendium.com.ua/akt/67/73/chelidonium-majus/)

QORAQALPOG‘ISTON RESPUBLIKASIDA OTLARDA SAKRASH BO‘G‘IMINING ASEPTIK YALIG‘LANISHINI DAVOLASH

Xudayarov R.Yu., Yusupov A.R.
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali

Annotatsiya. Ushbu maqolada otlarda sakrash bo‘g‘imi aseptik yalig‘lanishinining etiologiyasi, klinik belgilari va davolash haqida malumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zla. mexanik shikastlanish, zo‘riqish, pay va pay qini, og‘riq, mahalliy harorat, oqsash, “shpat” usuli, mahalliy og‘riqsizlantirish

Mavzuning dolzarbligi. Otlarning yuqumsiz kasalliklari barcha kasalliklarning o‘rtacha 94- 96 % ini tashkil qiladi. Sport otlarida shikastlanishlar umumiy kasalliklarning 86 % ni, 37 % esa mushak, pay va bo‘g‘imlarning patalogiyasiga to‘g‘ri keladi. Otlarda bo‘g‘im kasalliklari ularni saqlash, oziqlantirish, ekspluatatsiyasi noto‘g‘ri bo‘lganda hamda infeksion kasalliklar mavjudligi va modda almashinuvi buzilganda kelib chiqadi. Undan tashqari bo‘g‘im kasalliklari mashq qildirish jarayoni, musobaqalar va milliy ot o‘yinlari qoniqarsiz tashkillashtirilganda, ratsion tarkibida hazmlanuvchi protein, vitaminlar, makro- va mikroelementlar taqchilligi va ratsion tarkibida turli zaharli o‘simliklar donining mavjudligi ham ular organizmida turli xildagi toksiko-allergik holatlarni kelib chiqishiga va bo‘g‘imlar kasallanishiga olib kelishi aniqlangan [1, 2, 3, 4, 5, 6,7].

Yuqorida keltirilgan ma’lumotlarni tahlil qilgan holda, biz otlardagi aseptik bo‘g‘im kasalliklarida morfologik o‘zgarishlarni o‘rganish; Qoraqalpog‘iston Respublikasida tumanlarida otlar orasida bo‘g‘im kasalliklarining tarqalishini